

БУХОРО ВОҲАСИННИГ ҶОНГОНӢ ҚИШЛОҚЛАРИ ВА САЙЁХЛИК МАҲАЛЛАЛАРИ

**Бобоҷонов Шавқатжон Улугбекович, ТерДУ мустақил
изланувчиси (DSc), Низомий номидаги ТДПУ доценти, тарих
фенлари бўйича фалсафа доктори (PhD)**

ETHNOTOURIST VILLAGES AND TOURIST MAHALLAS OF THE BUKHARA OASIS

**Bobojonov Shavkatjon Ulugbekovich, independent researcher
(DSc) of Termiz state university, associate professor of Tashkent
State pedagogical university named after Nizami, doctor of
philosophy (PhD) in historical sciences**

ҶОНГОНӢСИКИЕ ДЕРЕВНИ И ТУРИСТИЧЕСКИЕ МАХАЛЛИ БУХАРСКОГО ОАЗИСА

**Бобоҷонов Шавқатжон Улугбекович, независимый
исследователь (DSc) ТерГУ, доцент Ташкентского
государственного педагогического университета имени
Низами, доктор философии по историческим наукам (PhD)**

Аннотация: Мақолада Бухоро воҳасининг туризм қишлоқлари ва сайёхлик маҳаллалари, уларда истиқомат қилаётган халқларнинг моддий ва маънавий маданияти, этнотуризм қишлоқларининг имкониятлари, сайёхларга хизмат кўрсатилиши йўналишлари илмий нуқтаи назардан таҳлил этилган.

Калит сўзлар: этнос, туризм қишилоги, анъанавий ҳаёт, ҳунармандлар сулоласи, гастрономия, араб маҳалла, қозоқ овули, бешбармоқ.

Abstract: The article analyzes from a scientific point of view the tourist villages and tourist quarters of the Bukhara oasis, the material and spiritual culture of the peoples living in them, the possibilities of ethnotourist villages, and the directions of providing services to tourists.

Key words: ethnicity, tourist village, traditional life, dynasty of craftsmanships, gastronomy, Arab quarter, Kazakh aul, beshbarmak.

Аннотация: В статье с научной точки зрения анализируются туристические деревни и туристические кварталы Бухарского оазиса, материальная и духовная культура проживающих в них народов, возможности этнотуристских деревень, направления оказания услуг туристам.

Ключевые слова: этнос, туристические деревни, традиционный быт, династия ремесленников, гастрономия, квартал арабов, казахский аул, бешбармак.

КИРИШ. Этнотуризм сайёхликнинг қизиқарли, таассуротларга бой ва истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланади. Туризмнинг қайси соҳаси бўлмасин, у ёки бу даражаси халқ

ҳаёти билан бевосита боғлиқ бўлади. Этнотуризмда иштирок этувчилар этнографик экспкурсиялар орқали кундалик ҳаёт музейларига ташриф буюришади. Сайёҳлар нафақат бошқа



[https://orcid.org/0009-
0005-1607-3911](https://orcid.org/0009-0005-1607-3911)

e-mail:
[bobojonovsh2020@gmail.
com](mailto:bobojonovsh2020@gmail.com)

даврга тегишли буюмларни кўришлари, балки уларни қўлларида ушлаб ҳис қилиши, мутахассислар ёрдамида анъанавий хунармандчилик маҳсулотларни яратиша иштирок этиб, экзотик завқ олиш имкониятига эга бўлади.

Бухоро воҳаси Ўзбекистоннинг муҳим тарихий-этнографик регионларидан бири бўлиб, худудда ўзбек, тоҷик, рус, қозоқ, туркман, татар, лўли, украин, озарбайжон, корейс, яхудий, арман, қорақалпоқ, беларус ва немис миллатлари истиқомат қиласи. Ҳар бир этноснинг такрорланмас маданияти, урф-одат ва анъаналарини сақлаб қолиш, воҳада сайёҳликни ривожлантириш ва янги йўналишларини жорий этиш мақсадида этнотуризм қишлоғи ва маҳаллари, сайёҳлик марказлари ташкил этилмоқда.

Хозирги кунда республикамизда 20 га яқин туризм қишлоғи (туризм маҳалласи) мавжуд. Жиззах вилоятидаги “Дуоба”, Навоий вилоятидаги “Сентоб”, “Лангар”, Қашқадарё вилоятидаги “Мираки”, Самарқанддаги “Конигил”, “Боги баланд”, “Терсак”, Сурхондарё вилоятидаги “Сангардак”, “Сина”, “Омонхона”, Тошкент вилоятидаги “Овжазсой”, “Эртошсой”, “Чашма”, “Кумушкон”, Наманган вилоятидаги “Нанай”, “Чодак”, Андижон вилоятидаги “Имом ота” туризм қишлоқлари фаолият кўрсатмоқда[5].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ. Мазкур муаммони ўрганишда тарихийлик, ретроспектив, кузатув, интервью, анкета, хариталаш, қиёсий ва тизимли таҳлил методларидан фойдаланилди. Элшунос олимлар томонидан Бухоро воҳасида истиқомат қилаётган эронийлар (Ф.Д.Люшкевич, А.Марданова, Ў.Равшанов), яхудийлар (Р.В.Альмеев, Т.Г.Емельяненко), тоҷиклар (О.А.Сухарева, А.Ш.Жумаев, М.Б.Курбонова), туркманлар (Мустафоев), араблар (И.Н.Винников), лўлилар (З.О.Қорёғдиев) этнографияси маълум даражада ўрганилган бўлса-да, аммо этнотуризм обьекти сифатида тадқиқ этилмаган.

МУҲОКАМА ВА МУНОЗАРА. Бухоро воҳасида “Ширин” этнотуризм қишлоғи (Вобкент тумани), “Кўрғон” туризм маҳалласи (Фиждувон тумани), “Шейхон”, “Жўйи мўлиён” этнотуризм марказлари (Бухоро тумани), “Бўронтепа” туризм кластерлари ташкил этилган. 1500 йиллик тарихга Ширин қишлоғида кулоллик, каштадўзлик, зардўзлик, гиламчилик, патдўзлик, темирчилик, ёғоч ўймакорлиги, жундан ип йигириш, мато тўқиши, миллий қўғирчоқ ясаш, миниатюра санъати, сават тўқиши, қадимий усулда намат тайёрлаш каби анъанавий хунармандчилик турлари давом этмоқда.

Бухоро вилоятининг Вобкент тумани XX асрнинг 20 йилларида ташкил топган. Туманда 44 та маҳалла бўлиб[3], шундан Ширин қишлоғи этнотуризмга ихтисослашган. Қадимий урф-одат ва анъаналар қайта тикланаётган ушбу худудда кўхна тош тегирмонда буғдой ва арпа уни чиқариш, катта дошқозонларда қадимги таомлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Қишлоқда шўрданак, ширинликлар, қандолатчилик ва хунармандчилик маҳсулотлари тайёрлаш, асаларичилик авлоддан авлодга ўтиб келаётган бобокасб саналади. Шунингдек, сайёҳлар учун қадимий сандал уйлар, дехқончилик асбоб-анжомларини тайёрлаш, от ва тужда сайд қилиш каби хизматлар йўлга қўйилган. Этнотуризм қишлоғида қишлоқ ҳаётини акс эттирувчи қадимий буюмлар музейи ва миллий хунармандчилик бурчаклари ташкил этилган.

НАТИЖАЛАР. Ширин этнотуризм қишлоғида йигирмадан ортиқ меҳмон уйи, ўнга яқин хунармандчилик маркази, йигирмадан ортиқ савдо ва умумий овқатланиш шохобчаси, ўттизга яқин балиқчилик, ҳолвапазлик, шўрданак тайёрлаш каби хизматлар ташкил этилмоқда. Туризм қишлоғида 300та иш ўринлари яратилмоқда.

Фиждувон туманининг Кўрғон маҳалласига 2024 йилнинг 29 ноябрида “туризм маҳалласи” мақоми берилди. Кўрғон “девор билан ўралган қалъа”, “муҳофазаланган”, “ҳимояланган уй” деган маъноларни билдиради. Фиждувон кўрғони атрофини Пирмас тарзи ариғи ўраб турорида ва унга Зта кўприк орқали кирилади.

Қадимдан ҳам очилиб ёпиладиган кўтарма кўприклар орқали кириб чиқилган. Ҳудуд узоқ тарихга эга бўлиб, ҳозирда археологлар томонидан Кўргоннинг обиғиштили тарихий девор қолдиқлари ҳам топилди. Фиждувон Кўргони “Буюк ипак йўли” ёқасида жойлашган бўлиб, X асрдаёқ Марказий Осиёning йирик Самарқанд, Бухоро ва Шахрисабз шаҳарлари қаторида қайд этилиб, ўша даврларда Бухоронинг шимолий пойтахти сифатида тан олинган. Маҳалла лабиринт шаклига ўхшаш 8 та тор кўчалар (Пирмасст, Арабон, Ибодулло Нарзуллаев, Кошибон, Қассобони боло, Алишер Навоий, Шокиробод, Шайх Тожиддин)ни ўз ичига олади. 18 гектар худудни эгаллаган маҳаллада ўзбек, тоҷик, рус, арман, татар, қозоқ, қирғиз миллатига мансуб жами 3777 нафар аҳоли истиқомат қиласиди. 512 та хонадонли маҳаллага 13 та йўл орқали кириш мумкин.

Бугун Фиждувондаги мавжуд 75 та маҳалла айнан Кўргон худудидан тарқалиб кетган. Маҳалла Чорсу, Ф.Хўжаев, А.Фиждувоний маҳаллалари билан чегарадош. Маҳалла аҳолисининг деярли ҳаммаси маълум касб-кор эгаси бўлиб, хунармандчилик ва хизмат кўрсатиш соҳасидан кун кечиради.

Маҳалла бешиксозлик, патдўзлик, зардўзлик, қуроқчилик, тунукасозлик, темирчилик, қандолатпазлик сингари 47 турдаги хунармандчилик соҳаларига ихтисослашган. Кўргонда пичоқчиларнинг саккизни авлоди, ҳолвапазларнинг еттинчи авлоди хунармандчиликни давом эттиримоқда. Тарихий маҳаллада саҳар учдан ҳаёт бошланади. Қаймоқ бозорида сут ва сут маҳсулотлари, нонвойларнинг ширмой кулча, патир, тандир нонлари харидоргир саналади.

Фиждувон гастрономиясида шашлик, сих кабоб, тухум оши (тухумбарак), ҳалим, ширчой (сутли чой), ширгурунч (сутли ош), қаймоқ, сочли ҳолва, ўмоч алоҳида ўрин эгаллайди[6]. Сайёҳларга 19 турдаги пишириклар тақдим этилади. Пирмасст арифи олдидаги 14 та хонадондан иборат гастрономик кўча қамишли соябонлардан иборат шарқона растали бозор тарзида ташкил этилган. Алишер Нарзуллаев ўз

уйида ташкил этган уй меҳмонхонаси, кулолчилик уй музейи ва устахонаси фаолият кўрсатмоқда. Фиждувонда иккита фольклор ансамбллари томонидан сайёҳларга қайроқбози, зангбози рақслари ва тарихий саҳна чиқишилари намойиш этиб келинмоқда.

Кўргонни туризм маҳалласига айлантириш мақсадида давлат бюджетидан 34 млрд сўм ажратилди. Маҳалланинг тарихий қиёфаси тикланиб, 8 та тош кўча қайта ташкил этилади.

Бухоро воҳасида араб номи билан аталадиган 35 та жой номлари сақланиб қолган[1-9]. Аммо, воҳасининг ягона араблар яшайдиган қишлоғи Жогаре хисобланади. 1929 йилда араблар яшайдиган худудларга экспедиция уюштирган Н.Н.Бурикин ва М.М.Измайлловлар ҳам Жогаре араб тилини сақлаб қолган қишлоқ сифатида қайд этишган. Жогаре Бухоро шаҳридан 35 км, қишлоққа яқин Бобкент тумани марказидан 3 км узоқлиқда ўрнашган. Ҳудудда 3 та араб қишлоқлари Жогаре, Шоҳамбек ва Арабхона мавжуд[2-120]. Фиждувон туманида жойлашган қишлоқда жами 400 хўжалик, 10 000 аҳоли истиқомат қиласиди. Жогаренинг араб эркаклари Кўкча, Зафаробод чўлларида чорвачилик, чўпончилик ва тери ошлаш билан шуғулланишган. Умуман, қишлоқ аҳолиси намат сотиши, чорва ва тижоратни яхши билган. Ҳозирда ҳам қишлоқлар эркаклари касби падари (ота касб) сифатида чорвадорлар сулоласини давом эттириб келмоқда. Масалан, чорвадорлар Ёровлар шажарасини келтириш мумкин (Ёрбобо-Тоҳирбобо-Рамазонбобо-Рахматилло-Ибод, Насулло, Каҳҳор). Чорвадорлар чўлларда қазиб чиқарган қудуқлари ўз номлари, масалан, Ёрқудук, Мустақимқудук тарзида фойдаланиб келинмоқда. Аёллар пайтоба тўқиши (пайтоба бофтан), қалами бофтан, хўржин бофи (хуржун тўқиши), респон бофи (арқон тўқиши), айл бофи, чакмон бофи каби хунармандчилик турлари билан машғул бўлишган[7].

Жогаре арабларининг маслаҳат оши, раис чақириди, наҳор оши, хеш таниши, келин биёрон, домод салом, хинобандон, хона кўч

маросимларининг айримлари сақланиб қолган. Миллий таомномасида эса гўжа, алаф шўла, арзан палов, пиёба, суғмон, қайиш, қотур, зоғора нон, ўрама, печак сомса, исмалоқ сомса, кўкат сомса, ўмоч, ширгурунч асосий ўрин тутади. Чорвадорлар таоми – кўмоч, талпа ҳам тайёрланган.

Жогареликлар қишлоқларига эҳтиром кўрсатиб исмлари олдига “бо” қўшимчасини қўшиб ишлатишади. Масалан, Бокурбон, Бомурод, Боҳикмат, Бомустаким ва бошқалар. Қишлоқ аҳли тўй маросимлари, одат ва анъаналари ўзбек ва тожиклар маданияти билан қоришиб кетган бўлса-да, аммо қадимиј араб тилини мулоқотда яхши сақлаб қолган.

Бухоро воҳасининг олис худудларида ҳам туризмни ривожлантириш мақсадида турли этнос вакиллари яшайдиган қишлоқларда этнотуризм марказлари ташкил этилмоқда. Бухорода вилоятида 5 та олис худуд мавжуд. Шароф Рашидов маҳалласи (Шоғиркон тумани), Газли ва Қизилравот маҳаллалари (Ромитан шаҳри), Кўкча маҳалласи (Фиждувон тумани) ва Жонгелди маҳалласи (Пешку тумани) шулар жумласидандир.

Хозирги кунда чўл-яйлов зонаси ландшафтларининг моддий ва номоддий ресурсларидан 37 тармоқ соҳаларида фойдаланилмоқда. Шулардан бири чўл туризми ва олис чўл худудларида яшаётган миллатлар ҳаёти билан танишишни ўз ичига олган этнотуризм хисобланади. Бухоро вилояти мамлакатимизнинг чўлли худудларидан бири хисобланади. Вилоят худудининг қарийб 90%ини Қизилқум чўли эгаллаган. Бухоро вилоятининг чўл худудларидаги аҳоли манзиллари асосан 200 км дан иборат Газли-Цветуший-Жонгелди-Чурук-Газли ҳалқасига тўғри келади. Мазкур чўл ҳалқаси Бухоро шаҳридан 72 км масофани ташкил этади[4-708].

Жонгелди қозоқлар овули Бухоро шаҳридан 250 км, Пешкў тумани марказидан 200 км узоқликда жойлашган. Овлулар худудига А-380 “Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейноу” автомагистрал йўлидан 4-R 48-йўли орқали борилади. Жонгелди этнотуризм маҳалласи таркибига

кирувчи “Жонгелди”, “Халата”, “Ҷалья Ота”, “Сафрон” овулларида қозоқ ва туркман миллатига мансуб 209 та оиласдан иборат 162 та хонадон мавжуд. Овуллар бир-биридан қарийб 100 км узоқликда жойлашган. Жами 765 нафар аҳоли истиқомат қиласидан қишлоқнинг умумий майдони 750 гектар бўлиб, 1931 йилда ташкил этилган. Қозоқ қавмлари бу манзилга 1930 йилларда кўчиб келишган. Жонгелди овуллининг умумий аҳолиси 200 нафарга яқин. Қизилқум кенгликлари бўйлаб Қулжуктov тогининг шимоли-ғарбий этаги пастликларида яшаб келаётган маҳаллий аҳоли асосан чўпончилик, чорвачилик, йилқичилик, қисман дехқончилик билан шуғулланади. Ҳар бир оиласда камиде 10-15 бош кўй-эчки, қорамол, от ва туяси бор. Чўл ери сур тусли кўнғир кумли, тақир ва шўр тупроқлардан иборат. Ҳар йили май ойидан сентябр ойигача овулларда ўтовлар ташкил этилиб, чорва моллари, түя ва отлар чўлларда парвариш қилинади. Ўзбекистон қорақўлчилигига худуд асосий марказлардан бири саналади. Жонгелди қорақўлчилик ва наслчилик ширкат жўжалиги жойлашган. Илгарилари йигитлар жун ва ипдан арқон йигириш, қизлар эса кўрпа-тўшак қавиб, сўзаналар тикишган.

Миллий гастрономиясидан бешбармоқ, от сутидан қимиз алоҳида ўрин эгаллади. Бешбармоқ ўзбекларнинг паловидек шоҳ таом ҳамда меҳмоннавозлик рамзи ҳисобланади. Бешбармоқ “майда тўғралган гўшт бўлаклари ва бульонда қайнатилган хамир” маъносини англатади. Бешбармоқнинг қирғиз тилидан яна бир номи “тураган эт”, яъни “майдаланган, тўғралган гўшт” маъноларини ифодалайди. Икки соат олдин қориб қўйиладиган хамир сувга қайишдек кесиб солинади. Эчки, айниқса, түя гўшти камиде 2-3 соат қайнатилиб, титулгунча пиширилади. Бешбармоқ Марказий Осиё ошхонасига таом бўлиб, Шинжонда норин, Қорақалпоғистон, Шимолий Кавказ ва Туркманистанда турама, дограма, Башкирдистон ва Татаристонда куллама номи билан машҳур.

Ичимликларидан түя сутидан тайёрланадиган шифобахш ичимлик қимронни

қайд этиш зарур. Туя боқиладиган миңтақаларда, қозоқлар, туркманлар, қорақалпоқларда чүл чароитида чанқовбосар ичимлик сифатида кўп тайёрланади. Таркибида ёғ миқдори кўп бўлгани боис қимизга нисбатан қуюкроқ ҳисобланади. Шифобахш ичимлик сифатида айникса, қандакасаллигини даволашда қўлланиб келинади[8].

Маросимларидан “келин олиб қочиш”, “келин салом”, “келин қўлидан чой ичиш”, “қиз узату”(қиз узатиш), “бешик той” (бешик тўй), “тусау кесер”, “шилдехана” ҳамда миллий ўйинлардан “асық ойнау” (ошиқ ўйини), “аркан тартыс” (арқон тортиш), “куш сынасу” (куч синаш), “қара жўрга” намойиш этилади. Миллий спорт ўйинларидан “курес” (кураш), чўл ўйини – кўпкари ва сайёхлар учун туяларда саёҳат ташкил этилади.

ХУЛОСА. Жонгелди қозоқлар овулини этнографик туризм йўналишига киритиши орқали сайёхлар қуидаги имкониятларга эга бўлади:

- Этнотуризм худудида тужда сайр қилиш, қумда тобланиш, шамол ҳосил қилган қум барханлари, қўчма қумларни томоша қилиш мумкин;

- Чўл зонасидаги Жонгелди овулида маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи билан танишиш;

- Маҳаллий ошхонаси ва миллий таомлари билан танишиш;

- Кўй, эчки гўштидан, туя сутидан турли таомлар тайёрлаш мастер классларида иштирок этиш.

Бухоро воҳасининг этник манзараси хилма-хил ва ранг-баранглиги билан ажralиб туради. Этнослар ўз маданий анъаналарини сақлаб келмоқда. Худудда туркманлар,

тоҷиклар, эронийлар, яхудийлар яшайдиган маҳалла ва қишлоқларида туризм марказларини ташкил этиш мумкин. Мазкур турдаги сайёхлик локациялари этносларнинг урф-одат ва анъаналарни сақлаб қолиши, келажак авлодга тўлалигича қолдириш, маданиятлараро мулоқотни йўлга қўйиш орқали толерантликни таъминлаш, ҳалқларнинг ўзаро яқинлашишига эришиш каби муҳим вазифаларни рўёбга чиқаришга хизмат қиласи.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Винников И.Н. Арабы СССР // Советская этнография. - 1940. - IV. - С.9. (3-22 с.)
2. Винников И.Н. Материалы по языку и фольклору Бухарских арабов // Советское востоковедение. - 1949. - VI. - С.120. (120-145).
3. Комилов З. Этнотуризм қишлоғи мақоми берилди // www.UzA.uz. 29.11.2024. (Мурожаат этилган сана 25.03.2025).
4. Мавлонов А.М., Жалилова Ч.З., Усмонов А.У. Чўл туризмини ташкил этишнинг айrim жиҳатлари (Газли-Цветущий-Жонгелди-Чуруқ-Газли ҳалқаси мисолида) // Экономика и социум. - 2022. - №12(103)-1. - Б.708. (707-712).
5. Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси маълумотлари. 2025 йил, март.
6. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Фиждувон тумани, Қўрғон маҳалласи. 2025 йил апрел.
7. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Фиждувон тумани, Жовгаре қишлоғи. 2025 йил март.
8. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Пешкў тумани, Жонгелди маҳалласи. 2025 йил апрель.

